
БУГУН ФАРҒОНА ОСМОНИДА ЮЗАСИ 1100 КВАДРАТ МЕТР БЎЛГАН УЛКАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАЙДИ.

18 ноябрь куни соат 10:00да Фарғона округ дала полигонида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг 30 йиллиги муносабати билан Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилаётган ҳарбий Ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтади.

Тадбирнинг асосий қисмида Фарғона ҳаво десантчилари томонидан 2500-3000 метр баландликдан, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг 1 100 м2 ли ҳажмдаги шакли билан, экстремал шароитда парашютдан амалий сакраш орқали жаҳон рекордини янгилаш амалга оширилади. Сакраш вақти соат 10:25 ва 10:35 лар атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Мўлжал: Фарғона аэропорт йўналиши бўйича, Илғор Фарғона от заводи олдидаги, Метан ЁҚШ ёнидаги Фарғона полигонига кириш жойи.

Барча ҳамюртларимизни ушбу тадбирга ташриф буюриб, мусаффо осмонимиз узра юрт байроғининг мағрур ҳилпираши ифтихорини биргаликда ҳис этишга чақирамиз.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-18 09:19:56